



Шахрисабз шаҳри, Ипак йўли кўчаси, 140-уй, Тел: (75) 522-52-46, (75) 522-52-49, Почта: i.shaxrisabz@sud.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Шахрисабз тумани

2023 йил 05 апрель

_____ -сонли иш

Шахрисабз туманлараро иқтисодий суди судьяси О.Қурбоновнинг раислигида, судья ёрдамчиси Р.Остоновнинг котиблигида, даъвогар вакили _____ (2023 йил 12 январдаги 16-сонли ишончнома асосида), жавобгар раҳбари _____ иштирокида, _____ корхонасининг, _____ нисбатан берган даъво аризаси бўйича ишни суд биносидан, очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

_____ (матнда - даъвогар деб юритилади), _____ (матнда - жавобгар деб юритилади)га нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, тарафлар ўртасида 2022 йил 16 ноябрда 871-22/РБ-сонли Шахрисабз шаҳар «Кулоллик» МФЙ Ижодкор, Шарқ ва Кундузак кўчаларини 0,373 км. қисмини жорий таъмирлаш юзасидан пудрат шартномаси тузилганлигини, шартнома бўйича бажарилиши лозим бўлган пудрат ишларининг умумий қиймати жами 150 619 839 сўмни ташкил этганлигини, шундан даъвогар томонидан шартноманинг молиялаштириш жадвалига асосан жавобгар ҳисобига 2022 йил 21 ноябрдаги 2784706934-сонли тўлов топшириқномаси билан 45 185 952 сўм аванс маблағ ўтказиб берилганлигини, шартноманинг 6-бандига ва унга илова қилинган ишларни бажариш жадвалида кўрсатилган муддатларга асосан 150 619 839 сўмлик пудрат ишларини 2022 йил 31 декабрга қадар яқунлаш белгиланган бўлса-да, жавобгар томонидан ҳозирги кунга қадар 150 619 839 сўмлик ишлар бажарилмаганлигини, юборилган талабномага жавоб қайтарилмаганлигини билдириб, жавобгардан даъвогар фойдасига 18 375 620 сўм устама (пеня)ни ундириш ҳақида қарор қабул қилишни сўраган.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакили судга берган кўрсатувида, даъвони қувватлаб, уни қаноатлантириб беришни сўради.

Суд мажлисида иштирок этган жавобгар раҳбари судга берган кўрсатувида, даъвогарнинг даъво аризаси юзасидан важ кўрсатиб, қиш мавсумида корхона табиий газ тармоғидан узилганлиги сабабли пудрат ишларини ўз вақтида бажариш имкони бўлмаганлигини билдириб, даъвони қаноатлантиришни рад этишни сўради.

Суд даъвогар ва жавобгар томонларнинг тушунтиришларини эшитиб, ишдаги мавжуд ҳужжатларни ўрганиб, уларга ҳуқуқий баҳо бериб, қуйидаги асосларга кўра даъво талабини қисман қаноатлантиришни лозим топади.

Ишдаги ҳужжатларидан ва суд жараёнида аниқланган ҳолатлардан маълум бўлишича, 2022 йил 16 ноябрда 871-22/РБ-сонли Шахрисабз шаҳар «Кулоллик» МФЙ Ижодкор, Шарқ ва Кундузак кўчаларини 0,373 км. қисмини жорий таъмирлаш юзасидан пудрат шартномаси тузилган бўлиб, шартнома бўйича бажарилиши лозим бўлган пудрат ишларининг умумий қиймати жами 150 619 839 сўмни ташкил этган.

Даъвогар томонидан шартноманинг молиялаштириш жадвалига асосан жавобгар ҳисобига 2022 йил 21 ноябрдаги 2784706934-сонли тўлов топшириқномаси билан 45 185 952 сўм аванс маблағ ўтказиб берилган.

Ҳужжат имзоланган: Қурбонов Ориф Мустапаевич, 02.05.2023



Ушбу шартноманинг 6-бандига ва унга илова қилинган ишларни бажариш жадвалида кўрсатилган муддатларга асосан 150 619 839 сўмлик пудрат ишларини 2022 йил 31 декабрга қадар яқунлаш белгиланган бўлса-да, жавобгар томонидан ҳозирги кунга қадар 150 619 839 сўмлик ишлар бажарилмаган, шунингдек даъвогар томонидан юборилган талабномага ҳам жавоб қайтарилмаган.

Шу боис, даъвогар жавобгардан 18 375 620 (150 619 839 сўм х 0,2 фоиз х 61 кун (2023 йил 1 январдан 2023 йил 2 мартга қадар) сўм устама (пеня) ундириш талаби билан судга мурожаат этган бўлиб, суд даъвогарнинг ушбу даъво талабини қуйидагиларга кўра асосли деб ҳисоблайди.

Шартноманинг 10-бандида аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришилади деб кўрсатилган бўлиб, шартноманинг 14-бандига асосан даъвогар томонидан жавобгар ҳисобига 30% миқдорида аванс маблағи 45 185 952 сўм тўлаб берилган бўлса-да, объектда жавобгар томонидан ишлар тўлиқ бажарилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси(матнда ФК деб юритилади)нинг 631-моддаси биринчи қисмига кўра, пудрат шартномаси бўйича бир тараф (пудратчи) иккинчи тараф (буюртмачи)нинг топшириғига биноан маълум бир ишни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига белгиланган муддатда топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса иш натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

ФКнинг 236-моддасида мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганда эса-иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунини иқтисодий судлар амалиётида қўллашнинг айрим масалалари ҳақида” 2002 йил 4 мартдаги 103-сонли қарорнинг 10-бандида, умумий қоидага кўра, қонун ҳужжатлари ва шартномада бошқача тартибда жавобгарлик назарда тутилмаган бўлса, шартнома шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик (шартнома интизомини бузганлик) учун Қонуннинг 25-32-моддаларига асосан жавобгарлик қўлланилади. Агар хўжалик шартномасида шартнома интизомини бузиш билан боғлиқ ҳолатлар учун жавобгарлик белгиланган бўлса, тарафларнинг жавобгарлиги шартномага асосан қўлланилади.

Шартноманинг 57-бандида, пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,2 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозимлиги кўрсатилган.

Суд, даъвогарни жавобгардан 18 375 620 сўм пеня ундириш талабини муҳокама қилиб, уни асосли деб топса-да, қарздор томонидан мажбуриятларнинг бажарилиши даражасини, мажбуриятда иштирок этувчи тарафларнинг мулкий аҳволини, шунингдек кредиторнинг манфаатларини эътиборга олиб, пеня миқдорини 2 756 343 сўмга камайтиришни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июнь кундаги «Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкий жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги 163-сонли Қарорининг 4-бандига кўра, ФКнинг 326-моддасига мувофиқ суд қарздор томонидан мажбуриятларнинг бажарилиши даражасини, мажбуриятда иштирок этувчи тарафларнинг мулкий аҳволини, шунингдек кредиторнинг манфаатларини эътиборга олиб, неустойка миқдорини камайтиришга ҳақли.

Бундай ҳолатда, суд даъво талабини қисман қаноатлантиришни, жавобгар chin Timsoli» масъулияти чекланган жамиятидан даъвогар Қашқадарё Минтақавий



йўлларга буюртмачи хизмати давлат унитар корхонаси фойдасига 2 756 343 сўм пеня ундиришни, даъвонинг қолган қисмини қаноатлантиришни рад этишни, ундирилиши лозим бўлган суд харажатлари масаласини муҳокама қилиб, жавобгар [REDACTED] Республика бюджетига 367 512,4 сўм давлат божи ва даъвогар [REDACTED] фойдасига олдиндан тўланган 30 000 сўм почта харажати ундиришни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, ФКнинг 236, 326, 631-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 113, 176-180 ва 186-моддаларига асосланиб, суд

қ а р о р қ и л д и :

Даъво талаби қисман қаноатлантирилсин.

Жавобгар [REDACTED]

даъвогар [REDACTED]

фойдасига 2 756 343 сўм пеня ундирилсин.

Даъвонинг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилсин.

Жавобгар « [REDACTED]

Республика

бюджетига 367 512,4 сўм давлат божи ва даъвогар [REDACTED] буюртмачи хизмати давлат унитар корхонаси фойдасига олдиндан тўланган 30 000 сўм почта харажати ундирилсин.

Ҳал қилув қароридан норози бўлган томонлар бир ой муддат ичида шу суд орқали Қашқадарё вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов хайъатига апелляция тартибида шикоят бериши (протест келтириши) мумкин.

Судья

О.Қурбонов

